

## Ясама тирноқлар

08:00 / 10.03.2018 5264

### Савол:

Ассалому алайкум! Ёшим 20да Аллоҳга шукур намоз ўқийман. Дугоналарим орасида тирноқда намоз ўқийдиганлари ҳам бор. Сўрасам араб қизлариям ясама( нарашивания) тирноқда ёки уламасида намоз ўқишаркан. Бунга рухсат бор таҳорат қабул бўлаверади деди. Ростдан ҳам тирноқ ўстирса ёки ясама тирноқда таҳорат бузилмайдими?

### Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Аввало шариат араб қизларидан ёки бўлмасам кимларнингдир қилиб юрган амалларидан олинмайди. Шариат ҳукмлари Қуръон ва ҳадис каби аниқ шариат далиллари асосида олинади. Улама тирноқлар диёнат жиҳатидан жоиз эмас. Агар ёпиштирилганда остидаги ҳақиқий тирноққа сув ўтказмаса таҳорат ва ғусл қабул бўлмаслиги жиҳатидан ҳам жоиз эмас. Соҳа мутахассислари остига мутлоқ сув ўтказмаслигини айтишди. Валлоҳу аълам!